

№ 07/116/0000- СОНЛИ
ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗИШ ҲОЛАТИДА
МОЛИЯВИЙ ХАВФНИ СУҒУРТАЛАШ ШАРТНОМАСИ

Навоий шахри

«00»

2026 йил

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2024 йил 24 февралда берилган SF серияли 00037 рақамли Лицензия асосида фаолият юритувчи «MY-INSURANCE» АЖ СТ, (кейинги ўринларда **“Суғурталовчи”** деб юритилади), номидан лицензияси асосида фаолият кўрсатувчи, қуйида **“Суғурталовчи”** деб аталувчи **“MY-INSURANCE” АЖ СТ** суғурта компанияси номидан 02.02.2026 йилда берилган №67 – сонли бош ишончнома асосида иш юритувчи Навоий вилояти филиали директори **Исламов Яндаш Ахматович**, бир томондан (кейинги ўринларда **«Суғурта қилдирувчи/Қарздор»** деб юритилади), асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан, ҳамда Суғурта қилдирувчи/наф олувчи/” деб аталувчи “_____ ишончнома асосида иш юритувчи _____ ҳаракат қилувчи, бошқа томондан, биргаликда «Томонлар», алоҳида эса «Томон» деб юритилган ҳолда, Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчининг шартнома мажбуриятларини бузиши ҳолатида молиявий хавфни суғурталаш бўйича қуйидаги **Суғурта шартномасини** туздилар:

1-БЎЛИМ. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

1.1. Қуйидаги бандда келтирилган атамалар ушбу Суғурта шартномаси доирасида қуйидаги маъноларга эга:

	Атама	Таъриф
	Шартнома	“Суғурта қилдирувчи/Қарздор” ва “Наф олувчи” ўртасида тузилган шартнома.
	Суғурта ҳодисаси	Суғурталанган Шартномага мувофиқ Суғурта қилдирувчи/Қарздор томонидан ўзининг шартнома мажбуриятларини шартномада кўрсатилган муддат давомида бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги.
	Тўловга қобилятсизлик	Тўловга қобилятсизлик Қарздорнинг бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этиши, 1-гурух ногирон бўлиши.
	Кутиш даври	Кутиш даври – суғурта ҳодисаси содир бўлган санадан, яъни Қарздорнинг бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этгандан ёки 1-гурух ногиронлиги берилган санадан бошлаб 1 (бир) ой.
	Суғурта полиси	Суғурта шартномасининг тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, Суғурта қилдирувчига суғурта мукофоти тўланганидан кейин топширилади.
	Шартсиз франшиза	Зарарнинг Суғурталовчи томонидан қопланмайдиган миқдоридир. Агар зарар миқдори франшиза миқдоридан ошса, суғурта тўлови миқдоридан франшиза суммаси айирилади.

2-БЎЛИМ. СУҒУРТА ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪЕКТИ

2.1. Ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ, “Суғурталовчи”, “Суғурта қилдирувчи/Қарздор” томонидан белгиланган суғурта мукофоти (тўлови) эвазига, суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, ушбу ҳодиса натижасида “Наф олувчи”га кўрган зарарни, шартномада белгиланган суғурта суммаси доирасида ва шартларга мувофиқ тарзда қоплаш мажбуриятини олади.

2.2. Суғурта объекти — бу Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ҳолда, “Наф олувчи”нинг “Суғурта қилдирувчи/Қарздор” билан тузилган шартнома

мажбуриятларини “Суғурта қилдирувчи/Қарздор” томонидан бажармаслиги натижасида зиён кўриши билан боғлиқ мулкый манфаатларидир. Бундай йўқотишлар, ушбу Шартноманинг 3.1-бандида баён этилган тартибда, “Суғурта қилдирувчи/Қарздор” томонидан суғурталанган Шартнома бўйича “Наф” олувчи олдидаги мажбуриятларини бузилиши натижасида юзага келиши мумкин.

2.3. “Суғурталовчи”нинг жавобгарлиги фақат Томонлар томонидан келишилган суғурта қопламаси доирасидаги, “Наф олувчи” кўрган зарарнинг таркиби ва ҳажми билан чегараланади.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ХАТАРЛАРИ ВА СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ.

3.1. Қуйидаги ҳолатда суғурта ҳодисаси содир бўлган деб ҳисобланади:

а) Суд томонидан шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда ва суд томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаслик натижасида юзага келган қарздорликларни муддатидан олдин ундириш белгиланганида, кутиш даври ўтганидан сўнг.

б) Шартномада белгиланган қарзни қайтариш (сўндириш)нинг охири санасидан бошлаб, кутиш даври ўтгандан сўнг “Суғурта қилдирувчи/Қарздор”нинг “Наф олувчи” олдидаги молиявий мажбуриятлари бўйича талабларни қондира олмаслиги яъни ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳолатида.

Изоҳ: 3.1. банди а) ва б) кичик бандларида юзага келган ҳодисалар юзасидан қўшимча тартибда (тўловга қобилиятсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, суд органлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонуннинг 40-моддаси 3-қисми талаблари асосида суд ижрочисининг қарори тақдим этилиш шарт);

в) “Суғурта қилдирувчи/Қарздор”/якка тартибдаги тадбиркорнинг бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этгандан ёки 1-гурух ногиронлиги сабабли.

3.2. Мазкур шартноманинг 3.1-бандида белгиланган шартлар бажарилиши ёки бажарилмаслигидан қатъий назар Суғурталовчи ўзининг ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда суғурта товонини тўлаб бериш ҳуқуқига эга.

4-БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР

4.1. Қуйидаги ҳолатлар натижасида юзага келган зарарлар қопланмайди:

- “Суғурта қилдирувчи/Қарздор”нинг қасддан содир этган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), яъни суғурта ҳодисасининг рўй беришига қасддан қилган ҳаракатлари натижасида юзага келиши ҳамда “Суғурта қилдирувчи/Қарздор” томонидан шартнома доирасида содир этилган жиноят;

- тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда жисмоний шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари оқибатида қасддан тўловга қобилиятсизликни вужудга келтирганлиги ҳолатлари;

- Ўз.Рес.ФК 954-моддасида кўрсатилган ҳолатларда;

4.2. Қуйидаги зарарлар суғурта қопламасига киритилмайди:

- Йўқотилган фойда (даромад йўқотилиши);

- Жарима ва пенялар.

- Суғурта ҳодисаси ва зарарнинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса (тақдим этилмаса);

5-БЎЛИМ. СУҒУРТА СУММАСИ, СУҒУРТА ТАРИФИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича умумий суғурта суммаси: **0 сўмни** ташкил этади.

5.2. Суғурта мукофоти учун тариф ставкаси суғурта суммасининг % миқдорида белгиланади.

5.3. Умумий суғурта мукофоти: **0 сўмни** ташкил этади ва у шартнома томонлари томонидан имзоланганидан сўнг 5 (беш) банк куни ичида бир йўла тўланади.

5.4. Ушбу Шартнома бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

5.5. Суғурта мукофоти тўланган кун деб маблағларнинг “Суғурталовчи”нинг ҳисоб рақамига келиб тушган кун ҳисобланади.

5.6. Агар суғурта суммаси суғурта қийматидан кам бўлса, суғурта тўлови Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддасига (“Тўлиқ бўлмаган мол-мулк суғуртаси”) мувофиқ суғурта суммасининг суғурта қийматига нисбати асосида пропорционал равишда тўланади.

5.7. Агар суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланмаса, “Суғурталовчи”нинг жавобгарлиги тўланган қисмига пропорционал равишда белгиланади. (Суғурта мукофоти тўлиқ равишда тўланмасдан “Суғурталовчи”нинг ваколатли шахси томонидан суғурта суммаси тўлиқ суммада берилган тақдирда ҳам).

6-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.1.1. Шартнома тузиш ва уни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни “Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи”дан сўраш;

6.1.2. Суғурта шартномаси амал қилаётган даврда — суғурта хавфи даражаси ошган ёки ошмаганидан қатъи назар — Қарз олувчи берган маълумотларнинг ҳақиқатга мослигини, шунингдек, унинг шартнома шартларига амал қилаётганлигини текшириш;

6.1.3. “Наф олувчи”нинг даво қилиш ҳуқуқи тўланган суғурта товони миқдорида Суғурталовчига (суброгация) тартибида ўтади;

6.1.4. Амалдаги қонунчиликка ва ушбу Шартнома шартларига мувофиқ суғурта тўловини тўлашдан тўлиқ ёки қисман бош тортиш, шартномани бекор қилиш ёки уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш;

6.1.5. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки ушбу Шартнома билан белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

6.1.6. “Наф олувчи”га суғурта товони тўланганидан сўнг, Суғурта қилдирувчи/Қарздор Суғурталовчининг регресс талабига биноан 10 (ўн) банк кун ичида тўланган суғурта товонини Суғурталовчига қоплашини талаб қилиш;

6.1.7. Суғурта хавфи ортишига сабаб бўладиган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилинган суғурталовчи суғурта шартномасининг шартларини ўзгартиришни ёки хавф ортишига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофоти тўлашни талаб қилишга ҳақли.

6.2. Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.2.1. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Суғурталовчи ҳақида маълумот олиш, Шартнома шартлари билан танишиш;

6.2.2. Суғурталовчининг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришини талаб қилиш;

6.2.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва суғурта шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

6.3. Наф олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.3.1. Суғурта ҳодисаси юз берганида, Шартномада белгиланган тартибда ва миқдорда суғурта товонини олиш;

6.3.2. Суғурталовчининг ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилиш;

6.3.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва суғурта шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

6.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

6.4.1. Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчини суғурта шартлари билан таништириш;

6.4.2. Суғурта ҳодисаси юз берганда, Шартнома асосида тўловни амалга ошириш;

6.4.4. Шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

6.5. Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчининг мажбуриятлари:

6.5.1. Шартнома тузиш вақтида зарур маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш;

6.5.2. Суғурта даврида тақдим этилган маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида Суғурталовчини хабардор қилиш;

6.5.3. «Наф олувчи»га суғурта товони тўланганидан сўнг, Суғурта қилдирувчи/Қарздор Суғурталовчининг регресс талабига биноан 10 (ўн) банк куни ичида тўланган суғурта товонини Суғурталовчига қоплаши шарт;

6.5.4. Агар суғурта тўлови амалга оширилганидан сўнг зарар учинчи шахслар томонидан қопланган бўлса — Суғурталовчига тўловни қисман ёки тўлиқ қайтариш;

6.5.5. Шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш;

6.5.6. Суғурта мукофотини белгиланган миқдор, тартиб ва муддатда тўлаш;

6.5.7. Суғурта хавфи даражаси ўзгарса, бу ҳақда Суғурталовчини огоҳлантириш;

7-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Ушбу Шартнома томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва ҳар бир суғурталанган шартнома бўйича алоҳида берилган суғурта полисларида кўрсатилган муддатларда амал қилади.

7.2. Суғурталовчининг ушбу Шартнома бўйича суғурта тўловини амалга ошириш мажбурияти фақат белгиланган суғурта мукофоти ўз вақтида тўланган тақдирда юзага келади. Агар суғурта мукофоти ўз вақтида тўланмаса, Суғурталовчининг суғурта тўловини амалга ошириш бўйича мажбурияти ушбу мукофот (ёки унинг бир қисми) тўланган пайтдан бошлаб юзага келади ва суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври тугагунига қадар амал қилади. Суғурта мукофоти тўланган деб, маблағлар Суғурталовчининг ёки унинг суғурта агентининг банк ҳисоб рақамига тушган сана ҳисобланади.

7.3. Ушбу Шартномада кўзда тутилган суғурталаш фақат ушбу Шартнома кучга киргандан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади ва суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври давомида амал қилади.

7.4. Суғурта полисини расмийлаштириш учун Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи Суғурталовчига ариза тақдим этади, унда Қарз олувчи суғурта хавфи даражасини аниқлаш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар ҳақида Суғурталовчини хабардор қилиши шарт.

8-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

а) амал қилиш муддати тугаганида;

б) Суғурталовчи Наф олувчи олдида ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганида;

в) Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи суғурта мукофотини (бадал) шартномада белгиланган муддатда тўламаганида;

г) Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда тугатилганида;

д) Суд томонидан суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарор чиқарилганида;

е) Суғурталовчи ва/ёки Суғурта қилдирувчи вакилининг ишончномасида белгиланган ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда ушбу шартнома тузилган бўлса;;

ё) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

8.2. Суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ёки Суғурталовчининг талабига кўра ёки томонлар келишувига кўра муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

8.3. Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи исталган вақтда суғурта шартномасидан воз кечишга ҳақли. Агар Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилса, у тўлаган суғурта мукофоти 25% ушлаб қолган ҳолда қайтарилади.

8.4. Томонлар суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ниятида бўлсалар, бу ҳақда камида 30 кун олдин бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар.

9-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТЎЛОВИ МИҚДОРINI АНИҚЛАШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

9.1. Суғурта шартномаси шартларига кўра, суғурта ҳодисаси деб тан олиниши мумкин бўлган воқеа содир бўлса, Наф олувчи воқеа содир бўлганидан бошлаб 5 (беш иш) кун ичида ўзига маълум ҳолатлар ва сабабларни кўрсатган ҳолда Суғурталовчининг юридик манзилига ёки почта манзилига ёзма равишда хабар бериши шарт.

9.2. Суғурта ҳодисаси рўй берганда Наф олувчи Суғурталовчига кутиш даври тугагандан сўнг, воқеа содир бўлганлиги тўғрисида ариза (хабарнома) бериши, шунингдек Суғурталовчига етказилган зарар содир бўлганлигини ва миқдорини аниқлаш имконини берувчи ҳужжатларни:

- суд органлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонуннинг 40-моддаси 3-қисми талаблари асосида қарор.

- суғурта шартномаси (полис).

- суғурта қилдирувчи/Қарз олувчининг суғурталанган шартнома мажбуриятларини бузиши натижасида Наф олувчининг кўрган зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар.

- қарздорнинг бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этганлиги ёки I-гурух ногиронлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ўлим гувоҳномаси ўлим сабабини кўрсатган ҳолда ТМЭК хулосаси).

9.3. Суғурталовчи суғурта ҳодисасини тан олган ҳолатда, Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома тузилади. Ушбу далолатнома Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ҳамда Наф олувчининг иштирокида расмийлаштирилади. Суғурта товони тўлови Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома имзолагандан кейин шартиз франшиза йигирма фоиз миқдори чегириб қолиниб, 5 (беш) иш кuni ичида амалга оширади.

9.4. Суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида Наф олувчининг кўрган зарари миқдори ушбу Суғурта шартномасида ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланган тартибда аниқланади.

9.5. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш ёки тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори Суғурта қилдирувчи Наф олувчига у суғурта товонини тўлашни сўраб тақдим этган ариза ва ушбу шартноманинг 9.2. бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни тақдим этганидан кейин 15 (ўн беш) календарь кундан кечиктирмай хабардор қилиниши (суғурта товонини тўлаш) ёки рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

9.6. Суғурта тўлови суғурта ҳодисаси тан олинганидан ва суғурта ҳодисаси тўғрисида Далолатнома имзоланганидан кейин ўн иш кuni ичида Наф олувчининг банк ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

9.7. Суғурталовчи қуйидаги ҳолларда суғурта товонини тўлашни рад этишга ҳақли:

а) суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида шартномада белгиланган муддатда Суғурталовчига хабар берилмаган бўлса, агар Суғурталовчи бу ҳақида ўз вақтида хабардор бўлмаганлиги суғурта тўловини тўлаш мажбуриятига таъсир қилган бўлса;

б) суғурта ҳодисаси ва зарарнинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса;

в) Қарз олувчи суғурталанган шартнома бўйича ўз мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаган бўлса ва бунинг натижасида суғурта ҳодисаси юз берган бўлса;

10-БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ (РЕГРЕСС)

10.1. Агар мулкый суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи)нинг суғурта ҳодисаси натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахс (Суғурта қилдирувчи/қарз олувчи)дан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтади.

10.2. Наф олувчи Суғурталовчига унга ўтган талаб ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни топшириши, шунингдек, зарур бўлган барча маълумотларни тақдим этиши шарт.

10.3. Наф олувчи Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун Қарз олувчига нисбатан ўз талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқ Наф олувчининг айби билан амалга оширилиши мумкин бўлмаса, Суғурталовчи суғурта тўловини амалга ошириш мажбуриятидан тўлиқ ёки тегишли қисмда озод қилинади.

10.4. Қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва миқдорларда, Суғурталовчи, суғурта тўловини амалга оширгандан сўнг, зарар етказган айбдорга нисбатан қайта (регресс) талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

11-БЎЛИМ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Ушбу Шартномадан келиб чиққан баҳслар, келишмовчиликлар ёки талабларни музокаралар йўли билан ҳал этиб бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади..

11.2. Томонларнинг суғурта шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари суғурта полиси ва ушбу Шартноманинг тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ бошқа ҳужжатлардаги маълумот ва қоидаларни инобатга олган ҳолда белгиланади.

11.3. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган талаблар бўйича даъво қонунчиликда белгиланган даъво муддати ичида киритилиши мумкин.

12-БЎЛИМ. ФОРС-МАЖОР

12.1. Томонлар ушбу Шартномага мувофиқ ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун форс-мажор ҳолатлари амал қилган даврда жавобгар эмаслар.

12.2. Форс-мажор ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади: мавжуд шароитда олдиндан кўриш, олдини олиш ёки бартараф этиш имкони бўлмаган фавқулодда ҳолатлар, яъни: табиий офатлар (зилзила, кўчкилар, довуллар, қурғоқчилик ва Шартномада кўрсатилмаган бошқа табиий офатлар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, блокадалар, давлатлараро ёки давлат органлари томонидан жорий этилган чекловлар ёки тақиқлар, ҳукумат қарорлари ва бошқалар), агар бу ҳолатлар Шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатган бўлса.

12.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда, Томонлар мажбуриятларини бажариш муддати ушбу ҳолатлар амал қилган даврга мос равишда сурилади.

13-БЎЛИМ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

13.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупцион ҳаракатларни тўлиқ таъқиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкий характердаги хизматлар, бошқа мулкий ҳуқуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш, рақобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёсат ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиладилар.

13.2. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида на ўзлари, на ижроия органи, на уларнинг масабдор шахлари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупцион тўловларни тақдим этишни таклиф қилмаслигини, тақдим этмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупцион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини кафолатлайди.

13.3. Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт.

14-БЎЛИМ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14.1. Ушбу Шартнома шартларини ўзгартириш Томонларнинг ўзаро розилиги асосида амалга оширилади. Шартнома шартларини ўзгартириш бўйича келишув ёзма шаклда расмийлаштирилади.

14.2. Шартнома шартлари ўзгартирилган тақдирда, мажбуриятлар, ёзма келишувда кўрсатилган санадан бошлаб ўзгартирилган деб ҳисобланади.

14.3. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган барча ҳолатлар бўйича Томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида”ги Қонун ҳамда бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қиладилар.

14.5. Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ва Наф олувчи ушбу Шартнома, иловалар ҳамда Шартномага алоқадор бошқа ҳужжатлар мазмуни бўйича учинчи шахсларга олдиндан ёзма рухсатсиз маълумот бермаслик ва махфийликни таъминлаш учун жавобгардирлар.

15.6. Шартноманинг Томонлари, шунингдек, ҳар бир томоннинг вакиллари ва ходимлари ушбу Шартномага алоқадор тижорат ёки бошқа махфий маълумотларни бошқа томонларнинг олдиндан ёзма розилигисиз ошкор этмасликлари шарт.

16.7. Ушбу Шартнома 3 (уч) нусхада тузилган бўлиб, Суғурталовчи, Қарз олувчи ва Фойдани олувчи томонидан алоҳида сақланади ва барча нусхалар тенг юридик кучга эга.

14-БЎЛИМ. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАР ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ/ҚАРЗ		НАФ ОЛУВЧИ
СУҒУРТАЛОВЧИ	ОЛУВЧИ	
«MY INSURANCE» АЖ	АД:	“ _____ ”
СТ	Тел:	Манзили:
Манзили:		МФО:
Тел.:		х/р:
Ҳ/Р:		
Банк:		
МФО:		
ИНН:		

Имзо м.ў.

Имзо м.ў.

Имзо м.ў.

2026 йил «» дагийдаги
№07/116/000000-сонли
Суғурталовчи томонидан Суғурталанувчининг
шартнома мажбуриятларини бузиши ҳолатида
молиявий хавфни суғурталаш шартномасининг
№1 - сонли Илова

**СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИНИНГ ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗИШ
ҲОЛАТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ХАТАРЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ БО‘ЙИЧА ЖАВОБГАРЛИГИНИ
СУҒУРТА ҚИЛИШ**

АНКЕТА-АРИЗА

1.Суғурта қилдирувчи /қарз олувчи	
2. Наф олувчи	
3.Суғурта ҳодисаси	
4.Суғурта муддати	
5.Суғурта қиймати	
6.Суғурта пули	
7.Белгиланган суғурта тарифи	
8.Суғурта мукофоти	
Франшиза	20 (йигирма) %

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ

**СУҒУРТАЛОВЧИ
номидан**

**НАФ ОЛУВЧИ
номидан номидан**

**СУҒУРТА
ҚИЛДИРУВЧИ/Қарз
олувчи**

Имзо м.ў.

Имзо м.ў.

Имзо м.ў.